

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИДА МАСАЛА ЕЧИШ ОРҚАЛИ
ЎҚУВЧИЛАРГА ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ БЕРИШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ****Музраф Раббимов**

техника фанлари номзоди, доцент

Жиззах давлат педагогика университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7241607>

Аннотация. Ушбу мақолада бошланғич синф математика дарсларида иқтисодий тарбия бериш усуллари тадқиқ этиш ва уларга ижодий ёндашиш ҳамда масалалар ечиш орқали ўқувчиларда тежамкорлик ҳислатларини шакллантириш ҳақида гап боради.

Таянч иборалар: тежамкорлик ҳислатлари, иқтисодий тарбия, тежамкорлик сабоқлари, оила бюджети, тежамли ва саранжон – сариштали, гоаявий эътиқод ва матонат, касб –ҳунарга қизиқтириш.

**ТЕКСТ НАУЧНОЙ РАБОТЫ НА ТЕМУ «ФОРМИРОВАНИЕ
ЭКОНОМИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ УЧАЩИХСЯ ЧЕРЕЗ РЕШЕНИЕ ЗАДАЧ
НА УРОКАХ МАТЕМАТИКИ В НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ»**

Аннотация. В статье рассматриваются исследуются методы экономического воспитания на уроках математики в начальной школе и формирование у учащихся чувств экономного отношения посредством творческого подхода к решению задач.

Ключевые слова: качества бережливости, экономическое воспитание, уроки экономии, семейный бюджет, бережливость и аккуратность, идеологическое убеждение и настойчивость, заинтересованность к профессии.

**FORMATION OF ECONOMIC EDUCATION TO STUDENTS THROUGH
PROBLEM SOLVING IN PRIMARY GRADE MATHEMATICS CLASSES**

Abstract. This article discusses the study of economic teaching methods in elementary mathematics lessons and the formation of traits in students through a creative approach and problem solving.

Key words: economic education, austerity lessons, family budget, care, ideological faith and perseverance, interest in the profession.

КИРИШ

Бозор иқтисодиёти шароитида ёшлар ҳалқимизнинг умуминсоний меҳнат, миллий анъаналарини ўзлаштириб, ўзида катта авлоднинг энг яхши фазилатларини – гоаявий эътиқод ва матонатини, Ватанга муҳаббатни ўрганиши, республикамиз иқтисодий, сиёсий ва маънавий кудратини мустаҳкамлашда катта ёшдагиларнинг шахсий намуна бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Оила бошқа тарбиявий муассасалардан фарқли равишда инсоннинг бутун ҳаёти давомида унинг барча томонларига таъсир кўрсатишга қодирдир. Болаларни ҳаётни тушунишга, улар вояга етганларида кўрадиган қийинчилик ва муаммоларни тушунишга тайёрлаш зарур. Уйда етарли шароит яратиш, уйда тўла мўл – кўлчилик бўлиши болада мана шу мўл – кўлчиликка, уни ўраб олган барча нарсаларга тўғри муносабатда бўлиши ва бўлмаслигига ўз таъсирини кўрсатади

Мазкур мақолада бошланғич синф математика дарсларида иқтисодий тарбия бериш усуллари тадқиқ этиш ва уларга ижодий ёндашиш ҳамда масалалар ечиш орқали ўқувчиларда тежамкорлик ҳислатларини шакллантириш мақсад қилиб қўйилган.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Гарчи қанча ота – она бўлса, шунча тарбия мактаби мавжуд бўлса-да, лекин ўз вақтида берилган маслаҳат, олиб борилган нозик кузатиш мутахассисларнинг тажрибаси ёш авлоднинг шаклланишида муҳим рол ўйнаши мумкин. Болаларни тежамкорлик ва иқтисод қилишга ўргатиш чиндан ҳам мураккаб. Бундай укувга, албатта осонликча эришилмайди. Чунки тежамкорлик шунчаки йиртмаслик, булғамаслик, ташлаб юбормаслик, синдирмаслик одати эмас. Бу аввало ахлоқий фазилат, маънавий маданият кўрсаткичидир. Бу фазилат бола уй учун, оила учун ясаган буюмидан астойдил меҳнат қилиш кўникмасигача уй бюджети қандай таркиб топишини тушунишига имкон яратади. Кейинчалик давлат маблағларини яхши ҳисоб – китоб қилиш ўқувига эга бўлади. Буларнинг барчаси оиладан бошланади. Тежамкорлик сабоқларини болалар катталарга қараганда тезроқ қабул қилади. Чунки болаларда одат бўлиб қолган кўникмалар йўқ. Маълумки, хилма –хил фаолият шароитида боланинг қобилиятлари энг самарали ривожланади, унинг ижобий имкониятлари очилади, болани оиладан бошқа қаерда ҳам фаолиятнинг хилма –хил турларига жалб қилиш мумкин? Оилавий тарбиянинг қимматлиги ва аҳамияти ана шундаки, кичик болалик пайтидан оилада эгаллаган нарсалар бир умр сақланиб қолади. Худди шунинг учун ота – оналарнинг болаларини ҳар томонлама тарбиялаш мажбурияти қонуний тарзда белгилаб қўйилган. Деярли кўпчилик тарбия сабр – тоқатни талаб этишни эътироф қилишади, айримлар бунинг учун туғма қобилият ва малака, яъни кўникма керак деб ўйлайдиалр; лекин жуда кам инсонлар сабр – тоқат, туғма қобилият ва малакадан ташқари яна махсус билимлар кераклиги ҳақида ишонч билан таъкидлайдилар.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ

Замонавий оилада хўжаликни оқилона юритиш учун шахсий маданийликдан ташқари бир қатор махсус кўникмаларга эга бўлмоқ зарурдир. Бу оила хўжалигини оқилона бошқара билиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, пулни жой – жойида сарфлашдан иборат. Бой бўлишнинг олтин қонуни, қилинадиган харажатлар қилинадиган даромаддан ошмаслиги шарт. Кимки, пулни ишлаб топишдан кўра, уни ишлатиш қийин деса, у инсон тез бой бўлади. Ўз уйида бекорга ёнаётган чирокни ўчирмайдиган, беҳуда оқаётган водопровод жўмрагини бураб қўймаган, пулни пала – партиш сарфлайверадиган, ахлат идишга нон ташлайдиган, ишлаб чиқаришда материалларни тежалмайдиганлар бой бўлиши мушкул.

Нон инсоннинг энг катта ихтироси бўлиб, унинг ёши 15000 йилга боради. Бундан 5000 йил аввал Қадимги Мисрда нон пиширишнинг янги даври бошланади. Ўша давр нонвойлари хамирни кўпчитиш, билан ғовак – ғовак қилиб нон ёпишни ўрганиб олдилар. Замонавий нон ёпиш ҳам ханузгача ана шунга асосланади, “Оширилган хамирдан” нон ёпишни мисрликлардан греклар ўрганиб олишади. Буханка нон тайёрлаш учун зарур бўлган тунука қолип грекчасига “клибос” деб аталган, “хлеб” сўзи ана шундан олинган экан.

“Нон ризқ – рўзимиз” деган сўз Ўзбекистонликларнинг қулоғига сингиб кетган. Шунинг учун нон инсонни зориктирмайдиган даражада кўп ишлаб чиқарилади ва энг арзон баҳода сотилади. Ҳар бир инсон нонни эъзозлаши шарт, дон етиштирувчи деҳқон ва нон ёпувчи нонвой кадрига етиши зарур. Агар тўрт жондан иборат бир оила ҳар куни 100 граммлик нонни исроф қиладиган бўлса, бу бир йилда 36 килограммни ташкил қилади. Бу

мамлакат миқёсида бир йилда 242 минг тонна нон демак. Шунинг учун “ноннинг увоғи ҳам нон” деб болалар қалбига сингдириш керак. Шунинг ҳам ҳисобга олиш керакки, нон ёпиш оғир меҳнатдир. Ҳозирги даврда хонадонимизни музлаткичлар, кир ювиш машиналари, пол артгич, кофе майдалагичсиз тасаввур қилиш қийин. Електр энергиядан тежамли фойдаланиш фақат маиший электр асбобларидан фойдаланаётганларнинггина эмас, балки барчанинг вазифасидир. Ҳар бир инсоннинг онглилиги электр энергияни тежашнинг энг муҳим омилларидан бири бўлиб қолмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 10 миллиондан ортиқ телевизорлар ўртача 4 соат ишласа, йилига 3 млрд. киловатт – соат электр энергияси сарф бўлади. Турмушда тежалган бир киловатт – соат электр 5 кг ўсимлик мойи, 14 кг ун, 30 кг нон – булка маҳсулоти ишлаб чиқариш учун етарлидир. Агар катталар болаларга шахсий намуна кўрсатиб умумий ва маҳаллий ёриткичларни рационал жойлаштириш билан йиллик электр энергия сарфини 7 – 10 миллион киловатт – соатга қисқартириш мумкин.

МУҲОКАМА

Ҳозирги кунда ҳар бир уйда стол лампалари ва қандиллар бор. Энг яхши ҳолда унинг лампаларини алоҳида – алоҳида ёқиш мумкин. Хонада шинамлик (комфорт) ошириш мақсадида маълум жойни ёритадиган стол лампаларидан фойдаланилса, электр энергияси тежалади. Электр энергияни тежаш учун аввал паст температурада дазмоллашни талаб қиладиган кийимларни дазмоллаб олиш керак.

Дунё аҳолиси сўнги 50 йил давомида 2,2 марта ортиб, сувга бўлган талаб 2,6 марта кўпайди, унинг 80 фоизи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун сарфланмоқда. Турмушда сувни тежаш ҳисобига бир неча млрд. сўмни тежаш мумкин. Ер шаригадаги чучук сув захираси чекланган бўлиб, умумий ресурслар 2,5 фоизини ташкил қилади холос.

Маиший қулайлик қанча юқори бўлса, инсон омили шунчалик ҳал қилувчи бўлиб қолмоқда. Айтайлик, сувни қудуқдан челақлаб ташиб ишлатсак, ҳаёт учун зарур бўлган сув сарфи жон бошига 25 – 40 литрни ташкил этади. Санузеллар билан жиҳозланган водопроводдан фойдаланганда эса 150 – 200 литр ва ҳатто бундан ҳам ортиқ бўлади.

Болага оила бюджетининг нозик томонлари унинг ўзига таълуқли нарсалардан уни ҳабардор қилиш билан бошланади. Бола унинг учун олинадиган бир дона музқаймоқ билан бутун оила олинадиган батон ноннинг қиймати бир ҳил эканлигини билиш керак, болаларни конкрет мисоллар орқали қиёслашга баҳо беришга ўргатиш керак. Ота ва она болага энг аввало, ўзларининг касб – ҳунарларига қизиқтириш, ота пайвандлашни, она тикувчиликни ва бошқа касбларни фарзандларига ўргата бориши аҳамиятлидир. Бу ёш инсонда тежамли ва саранжон – сариштали, ўз Ватани бойликларини эҳтиёт қила оладиган, инсон меҳнати билан яратилган нарсаларни қадрига етадиган қилиб тарбиялаш ҳамдир.

Математика дарсларида тежамкорликка ўргатувчи масалалар ечиш муҳим ўрин тутаяди. Қўйида шундай масалалардан намуналар келтирамиз:

Масала 1. Ўқувчилар ўтган йили 4 т 7 ц темир – терсак тўплаган эди. Бу йилги тўпланган темир – терсак билан ҳаммаси 10 т 3 ц бўлди. Ўқувчилар бу йил қанча темир – терсак тўплашган?

Ечиш: Бу йил темир – терсак тўплашганлиги айириш амали билан топилади. 10 т 3 ц – 4 т 7 ц = 5 т 6 ц. Шу маълумотлар асосида яна иккита масала тузиш мумкин:

а) ўқувчилар ўтган йили 4 т 7 ц, бу йил эса 5 т 6 ц темир – терсак тўплашган бўлса, улар икки йилда жами қанча темир – терсак йиғишган?

б) ўқувчилар бу йил 5 т 6 ц темир – терсак тўплашди. Ўтган йилги билан бирга ҳаммаси 10 т 3 ц бўлди. Ўтган йили қанча темир – терсак тўпланган?

Ечили: а) $4\text{ т }7\text{ ц} + 5\text{ т }6\text{ ц} = 10\text{ т }3\text{ ц}$

б) $10\text{ т }3\text{ ц} - 5\text{ т }6\text{ ц} = 4\text{ т }7\text{ ц}$

Масала 2. Бузуқ жўмракдан бир соатда 18 л сув оқиб кетмоқда. Шу жўмракдан: бир суткада, 30 кунда қанча литр сув бекорга оқади?

Ечили: а) жўмракдан 1 суткада қанча сув оқади?

$18\text{ л} * 24 = 432\text{ л}$

б) 30 кунда қанча сув оқади?

$30 * 24 = 720$

$720 * 18\text{ л} = 12960\text{ л}$.

Масала 3. Чевар аёл шогирд қизи билан биргаликда 4 соатда 68 та қийиқча тикди. Агар она 1 соатда 12 та қийиқча тикса, қизи 1 соатда нечта қийиқча тиккан? Масалани икки усулда ечинг.

Ечили: а) она 4 соатда нечта қийиқча тиккан?

$12 * 4 = 48\text{ та}$.

б) қизи 1 соатда нечта қийиқча тиккан?

$68 - 48 = 20$

$20 : 4 = 5\text{ та қийиқча}$.

Масала 4.1) агар 1 га ерда 1 кг дан пахта ҳосили чаноқларда қолиб кетса, 1 000 000 га ердан қанча ҳосил йўқотамиз?

2) агар 1 га ерда 1 кг дан ғалла қолиб кетса, 100 000 га ердан қанча ғалла йўқотамиз?

3) агар 1 га ерда 100 кг картошка қолиб кетса, 100 га ердан қанча картошка йўқотамиз?

Ечили: 1) 1 000 000 кг – 1000 тонна

2) 100 000 га – 100 тонна

3) $100 * 100 = 10\,000\text{ кг} = 10\text{ тонна}$

Масала 5. Бир туп дарахтдан 100 кг қоғоз тайёрлаш мумкин, дейлик. Агар 4 – “А” синф ўқувчилари 1380 кг ва 4 – “Б” синф ўқувчилари 1520 кг қоғоз қийқимлари тўплаган бўлса, ҳаммаси бўлиб неча туп дарахт кесишдан сақлаб қолинган?

Ечили: а) 4 – “А” синф ўқувчилари неча туп дарахтдан қоғоз тайёрлашган?

4 – “Б” синф ўқувчиларичи?

$1380 + 1520 = 2900$

$2900 : 100 = 29\text{ туп}$.

Жавоб: 29 туп дарахт.

Масала 6. Агар оила бир кунда 1 метр куб газни тежаса, у бир ойда қанча газни тежайди? 1 метр куб газ 250 сўм бўлса, оила 1 ойда қанча оила даромадини тежайди?

Ечили: а) 1 ойда оила 30 куб метр газни тежайди.

б) Оила 1 ойда қанча пулни тежайди?

$30 * 250 = 7500\text{ сўмни тежайди}$.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганимизда, математика дарсларида иқтисодий тарбия бериш ўқувчиларнинг тежамкорлик ҳислатларини шакллантиради, келгусидаги билимларини онгли ўзлаштиришига ҳамда кундалик турмушдаги ҳаётий фаолиятга тайёрлайди.

REFERENCES

1. А.Асимов, Ш.Жўраев, “Бошланғич таълимда иқтисодий тарбия муаммолари”, Илмий мақолалар тўплами, Фарғона 2011 – йил;
2. М.А.Мирзааҳмедов, “Математика ва иқтисод”, Бошланғич таълим 2005 йил 4 – сони;
3. Д.Юсупхўжайева, “Иқтисодий тарбияни шакллантириш”, Бошланғич таълим 2004 йил 3 – сони;
4. Rabbimov M., Rabbimova D. TA ‘LIM QOIDALARIDAN SAMARALI FOYDALANIB, DARS SIFATINI OSHIRISH XUSUSIDA //Архив Научных Публикаций JSPI. – 2020.
5. Rabbimov M., Rizayeva Z. BOSHLANG ‘ICH SINF MATEMATIKA DARSLARIDA DIDAKTIK O ‘YINLARDAN FOYDALANISH //Архив Научных Публикаций JSPI. – 2020.
6. Rabbimov M., Ro'ziqulova E. MATEMATIKA DARSLARIDA PEDAGOGIK TECHNOLOGIYALARDAN FOYDALANIB O ‘QITISH XUSUSIDA //Архив Научных Публикаций JSPI. – 2020.
7. Rabbimov M. Boshlang'ich sinf matematika darslarida chizish va yasashga doir masalalar //Boshlang'ich ta'limda innovatsiyalar. – 2021. – Т. 2. – №. 1.
8. Rabbimov M., Muzaffarov M. БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА МУОММОЛИ ВАЗИЯТЛАР ОРҚАЛИ Rabbimov, M.(2021). Boshlang'ich sinf matematika darslarida chizish va yasashga doir masalalar //Журнал инновации в начальном образовании. – 2020. – Т. 2. – №. 1.
9. Rabbimov M., Muzaffarov M. БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА МУОММОЛИ ВАЗИЯТЛАР ОРҚАЛИ ТЕНГЛАМА ЕЧИШГА ЎРГАТИШ //Архив Научных Публикаций JSPI. – 2020.
10. Rabbimov M. Boshlang'ich sinf matematika darslarida o'qitish vositalardan foydalanish xususida //Журнал инновации в начальном образовании. – 2021. – Т. 1. – №. 1.
11. Rabbimov M. BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARINI MATEMATIKADAN TENGLAMALAR YECHISHGA O'RGATISH USLUBI //Innovation in Primary Education. – 2021. – Т. 2. – №. 3.
12. Rabbimov M. Boshlang'ich sinf matematikasida chizish va yasash darslarni tashkil etish xususida //Boshlang'ich ta'limda innovatsiyalar. – 2021. – Т. 2. – №. 2.
13. Rabbimov M. Boshlang'ich sinf matematikasida chizish va yasash darslarni tashkil etish xususida //Boshlang'ich ta'limda innovatsiyalar. – 2021. – Т. 2. – №. 2.
14. Rabbimov M. O'qituvchining pedagogik qobiliyatlari-Pedagogik mahoratining asosidir //Журнал инновации в начальном образовании. – 2021. – Т. 1. – №. 1.
15. Rabbimov M., Muzaffarov M. БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА МУОММОЛИ ВАЗИЯТЛАР ОРҚАЛИ ТЕНГЛАМА ЕЧИШГА ЎРГАТИШ //Архив Научных Публикаций JSPI. – 2020.